

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 26 (1090) • 2016-yil, 24-iyun, juma

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашувлар ўтказди.

Ислам Каримов Владимир Путин билан мулоқот чоғида ушбу учрашув Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорликнинг мантиқий давоми, мамлакатларимиз стратегик шериклигини ривожлантириш йўлидан бораётганининг яққол намоёни эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. 2015 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,4 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ёқилғи-энергетика соҳасида узоқ мулдатли ва ўзаро манфаатли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда 2016 йил апрель ойида Москвада ўтган олий даражадаги музокаралар якунлари ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Президентлар Ўзбекистон — Россия муносабатларига доир кенг қўламли масалалар, минтақавий ва халқаро муаммо-

лар юзасидан фикр алмашилди.

Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди. ШХТ саммити асосида бўладиган музокаралар барча соҳаларда минтақавий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ислам Каримов Туркменистон Президенти билан суҳбатда унинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорликнинг яна бир ифодаси эканини қайд этди. Бу давлатларимиз минтақادا ва халқаро миқёсда бир-бирининг нуфузини ошириш ҳамда позициясини мустақамлашни қўллаб-қувватлаб келаётганини намоён этишини таъкидлади.

Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

2015 йилда ўзаро товар ай-

ирбошлаш ҳажми қарийб 320 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатимиздан Туркменистонга автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар экспорт қилинмоқда. Туркменистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Транспорт ва транзит соҳаси иқтисодий алоқаларнинг стратегик йўналишларидан. Ўтган йили Ўзбекистон ташқи савдо юкларини Туркменистон орқали ташини ҳажми 43 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир.

Учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ШХТ саммитига таклифи учун Президентимиз Ислам Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Туркменистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларини азалий дўстлик ва қўшничилик ришталари, маданият ва анъаналар уйғунлиги боғлаб туриши таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб-қувватлаб изчил ривожланиб, ўзаро савдо

айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 17,6 фоиз ошди.

Учрашувда мамлакатларимизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаатли экани таъкидланди. Савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Имомали Раҳмон Тожикистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият бўлганини таъкидлади. Мазмунли учрашув учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Ислам Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан суҳбатда ушбу учрашув олий даражадаги сиёсий мулоқотларнинг мантиқий давоми, эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга алоҳида аҳамият қаратади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш 2 баробар ўсган. 2015 йилда бу кўрсаткич қарийб 320 миллион долларни ташкил этган. Мамлакатимизда Ҳиндистон капитали иштирокида ту-

зилган 100 дан зиёд корхона, ушбу мамлакатнинг 15 фирма ва компанияси ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Инвестициявий ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Минда Групп» компанияси билан ҳамкорликда энгил автомобиллар учун спидометр, тахометр ва турли электрон курилмалар ишлаб чиқарилмоқда. «Новафарм», «Ультра Хелс Кеар», «Велл Мед Фарм» каби корхоналарда кенг турдаги фармацевтика маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Давлатларимиз минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаб, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ШХТга аъзо давлат бўлишга интилишини қўллаб-қувватлашини, бу ташкилотнинг нуфузини янада ошириши ҳамда минтақа халқлари тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини қайд этди.

Нарендра Моди самимий учрашув учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон — Хитой: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида 22 июнь куни ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислам Каримов ва Си Цзиньпин шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат махфияти янги равида раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Хитой Раисини мамлакатимизга ташрифи билан қўллаб-қувватлашга катъий интилиши ифодаси, деб биланми.

Биз Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ушбу давлат ташрифини изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги тарихида муҳим босқич, томонларнинг ўзаро муносабатларини янада мустақамлашга катъий интилиши ифодаси, деб биланми. Бугунги кунда Хитой улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўрнини эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди, деди Ислам Каримов.

2>

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАРАННУМИ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 23 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент саммити иштирокчилари учун концерт намойиш қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти учун бундай тадбирларнинг ўтказилиши анъанага айланган.

Соат 18.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Мўғулистон Президенти Шахиягийн Элбэгдорж, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, ШХТ Бош котиби Рашид Алимов кириб келдилар.

4>


ИСТИҚЛОЛ — БЕБАҲО НЕЪМАТ, тинчликнинг қадри беқиёс



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилишида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик вазифаларининг олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. Партиянинг парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари иштирок этган тадбирда “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида партия ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

5>



АНГРЕН — ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да 22 июнь куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ тунелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мажкур гоят улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

2>

Ўзбекистон – Хитой:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ – ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Исло Каримов ва Си Цзиньпин мунтазам учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустахкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябр ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келган. Президентимиз 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Исло Каримов ва Си Цзиньпин 2015 йил сентябрда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабининг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтган тадбирлар доирасида ҳам учрашдилар.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама алоқаларида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, савдо, саноат, иқтисодиёт, энергетика, фан-таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Минтақамизда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустахкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф хатарларга қарши биргаликда кура-

шиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирилди. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланиши ҳамини оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳукуматларо мажлислар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон – Хитой ҳукуматларо ҳамкорлик қўмитаси қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йirik савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамми муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида товар айирбошлаш ҳамми 1,4 миллиард долларни ташкил этган. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва кредитлари ҳамми 6,5 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил

этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорликда қатор йirik инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат парки – “Жиззах” махсус индустриал зонаси бунинг ёркин намунасидир. Сирдарё вилоятида филиали бўлган ушбу индустриал зонада мобил телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, кўшматқорлари ва бошқа харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хитойнинг “ПолиТехноложы” компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг тўртта тармон ҳам мамлакатимиз орқали ўтиши ёки энг-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорликдан далolat беради. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород қонларини кидириш ва қазини ишларига фаол иштирок этмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Хитой бизнес субъектлари Дехқонobod қилиб ўнгитлар заводи ва Қўнғирот сода заводи қурилишида иштирок этган. “Huawei” компания-

си билан ҳамкорликда мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилган. Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки кредитлари ёвазига соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 дан зиёд лойиҳа бажарилган.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Хитойдан Европа давлатларига маҳсулот ташиниш мамлакатимиз худуди орқали амалга оширилмоқда. Биргина “Навоний” интермодал логистика маркази орқали 2015 йили 1,8 минг тонна юк ташилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. “Ўзбекистон – Хитой” ҳамда “Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари бу борадаги алоқаларни мустахкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юртлиги орасида талабалар алмашуви кенгайилмоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти ташкил этилган. Хитой миллатлар марказий университети ва Пекин хорижий тиллар университетига ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Шанхай

университети хузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий-тадқиқот институти негизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган.

Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустахкамлашга қаратилган кино кунлари, бадний кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Хитойлик санъаткорлар “Шарқ тараоналари” халқаро мусика фестивалида мунтазам катнашиб келмоқда. 2015 йили фестивалда бош соврин – Гран-прини Хитойнинг “Jiangsu Women’s Orchestra” гуруҳи қўлга киритди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Бишкек, Самарқанд вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани натижасида икки мамлакат худудларининг тўғридан-тўғри алоқалари ривожланмоқда.

Қўқсарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Исло Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баё’отини имзоладилар. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни хар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсади белгиланган.

Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ва идоралари ўртасида техникавий-иқтисодий, инвестициявий, савдо ва нефть-газ соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш,

интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоладилар.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича томонларнинг позиция ва қарашлари бир хил ёки ўхшаш экани қайд этилди. Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Исло Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрдилар. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

Давлат раҳбарлари Мустақиллик майдонида ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва азгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва азгулик монументи пойига гул қўйди. Си Цзиньпин Мустақиллик майдонининг меъморий ечими, чуқур мазмун-моҳиятига юқори баҳо берди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗАМ мухбири

АНГРЕН – ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ – СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Курилиш давомида Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, муҳандислари, мутахассислари аҳил ҳамкорликда меҳнат қилиб, юксак касб маҳоратини намоён этди. Ушбу ишшоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради ва жаҳон амалиётида ноёб лойиҳадир. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши юк ташиниш бўйича вақт ва маблағ тежаш имконини беради, шунингдек, транзит, ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳиятини кескин оширади, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли тизимида ҳаракатланадиган “Ўзбекистон” йўловчи поездининг Камчик туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиш учун махсус тугмани босдилар...

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўللари очилди, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлайдиган замонавий транспорт коммуникациялари барпо этиш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Асосий эътибор янги темир йўллари қуриш, мамлакатимизнинг ягона ва яхлит темир йўли тизимини барпо этишга қаратилди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўли катнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоний – Учқудук – Султон Увайстой – Нукус темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Кейинроқ “аср мўъжизаси” дея ном олган ноёб ишшоот – Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик ишшооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўли тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Темир йўли транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қисми ҳисобланади. Эътиборлиси, темирйўлчи-

ларимизнинг қуч-қайрати билан кейинги йилларда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўли тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўли модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1100 километрлик темир йўли магистраллари электрлаштирилди. Натижада темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва уллар мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилган даврдан буён юк ташинишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиниш 1,3 баробар ўсди. Умуман, 2015 йилда темир йўллар орқали қарийб 82 миллион тонна юк ташилгани ва 20,1 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани юртимизда мазкур тармоқнинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далolatдир. Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиғи темир йўли транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўлини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносабат ўрин эгалламоқда. Зеро, мамлакатимиз магистрал темир йўли тармоқлари орқали Шарк ва Фарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган қатта транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча соҳалар қатори транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойда ишлаб чиқариш энг юқори техника хузурига эга, қатор афзалликларга эга, замонавий ва юксак самарали электровоз ва тепловозларнинг мамлакатимизга етказиб берилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёркин мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўли тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё



мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши бу борада “кўприк” вазифасини ўтайди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган туннель қурилишига умумий қиймати 455 миллион долларлик маблағ йўналтирилди.

Ленгиз сатҳидан 2 минг 200 метр балангликда жойлашган Камчик довои орқали ўтган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли линиясининг ишга туширилиши Фаргона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа худудлари ўртасида темир йўли орқали юк ва йўловчи ташини имкониятини яратади. Шу билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўли коридорининг энг муҳим бўлини бўлиб хизмат қилади.

Бунёдкорлик ишларида “China Railway Tunnel Group” компаниясининг мингдан зиёд ишчи-мутахассислари, уч мингдан зиёд темирйўлчиларимиз, уч юздан ортиқ электромонтажчи иштирок этди. Мохир қурувчилар 32 ой мобайнида мураккаб табиий шароитларда – ёз жазирасида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам ишини бир меърада олиб борди. Бу ўз самарасини берди.

Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен – Поп темир

йўлининг Камчик довоидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннель очилди. Туннелдан ташқари бу ерда 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бургулаш, портлатиш ишлари бажарилди.

Шунингдек, 285 сутунли ишшоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача баланглиги 25 метрлик 15 темир йўли кўприги ва 6 йўли ўтказгич барпо этилди. 4 станция, 4 разъезд ва 2 вокзал қуриб битказилди, 2 ним тортиш станцияси қурилди. Умумий қиймати қарийб 1 миллиард 635 миллион долларлик маблағга тенг бўлган мазкур улкан лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун ўна яқин турар жой бинолари барпо этилди.

– Темир йўли қурилиши соҳасида узок йиллардан бери ишлаб келаётганим бонс Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, – дейди “China Railway Tunnel Group” қурилиш компанияси масъул ходими Ху Зенг Пинг. – Қурилиш ниҳоясига етган мазкур темир йўли Ўзбекистон иқтисодиёти учун нечоғли аҳамиятли эканини таърифлаш қийин. Темир йўли борган жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри экани ҳаётда ўз исботини топмоқда.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигининг янада юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг таъминатидаги кўпчиликнинг қуйидаги тахлиллари ҳам тасдиқлайди. Дастлабки хисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўли орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади.

– Бундан 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўли ўтади, деса биров ишонмасди. Бонси, Камчик довоининг улкан қоялари, чуқур жарликлари, пасту банд адирлари узра поезд катновини йўлга қўйиш ақлга сизмас иш эди-да, – дейди Тошкент вилояти Паркент туманида истикомат қилувчи 79 ёшли меҳнат фахрийси Солиддин Салоҳидинов. – Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати, Президентимизнинг узокни кўзлаб амалга ошираётган оқил сиёсати ва ташаббуси билан бундай ҳаёллар ҳақиқатга айланди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зехни, собиет қадами, катъий хоҳиш-иродаси ва меҳнатсеварлиги ёвазига халқимизнинг яна бир орзу-ишшоиди.

тиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустахкам замин яратади, – дейди Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини топириш гуруҳи раҳбари Наврўз Эркинов. – Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, юртимизнинг транзит ролин кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

Айни пайтда қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда саккинчи, узунлиги жиҳатидан ўн унчи, МДХ мамлакатлари орасида ягона бўлган Камчик туннели Тошкент вилояти билан Наманган вилояти ўртасида робита вазифасини ўтайди.

...Дастлабки поезд Камчик туннелини – Сардаладан бошланиб Чодақ кишлоғига қараган бўлган мософани 16 дақиқада босиб ўтди.

“Ўзэкспомарказ” билан Камчик туннели ўртасида тўғридан-тўғри видеоалоқа ўрнатилди.

“China Railway Tunnel Group” компанияси раиси Юй Баоулин ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Очилбой Раматов Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Камчик туннелининг ишга туширилишига тайёр эканини маълум қилди.

– Биласиз, 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлаган, – дейди Андижон вилояти Хўжаобод тумани “Бирлашган” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, “Эл-

юрт хурмати”, “Дўстлик” орденлари соҳиби Тожибархон Йўлдошева. – Сессияда мен ҳам қатнашганман. Ушанда давлатимиз раҳбари бир янгиликка эътиборимизни қаратди: Ангрен – Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўли қурилиш мўлжалламоқдасиз. Фаргона водийсининг Ўзбекистоннинг бошқа худудлари билан темир йўли орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳақимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўли қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол катнаш имконига эга бўлаемиз, деди Президентимиз катъий ишонч билан. Ушанда давлатимиз раҳбарининг бу гаши ваипки Андижон, бутун водий ахлининг юксак олқиништа сазовор бўлганлиги. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воксининг гувоҳи бўлаётганимиздан беҳад бахтиёримиз.

Маросимда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан самараси, халқларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир ёркин намунаси эканини таъкидладилар.

Хитой ва Ўзбекистон ахил қўшини, яқин дўст ва ишончли ҳамкор, мамлакатларимиз ўзаро муносабатлардаги самимият руҳини юксак кадрлайди. Келгусида биргаликда халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янада қатта ютуқларга эришамиз. Хитой ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик йўллари янада кенг ва порлоқ бўлишига ишонамиз, деди Си Цзиньпин.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишидек улкан ва ғоят муҳим лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустахкамлаш, транзит ва сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ва темир йўли тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серкирра, стратегик муносабатларни тобора юқори босқичга кўтаришга ва муттасил ривожлантиришга хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА, Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎЗАМ мухбирлари
Т.МАМАДАМИНОВ, О.ФУЛОМОВ (ЎЗА) олган суратлар

ЧИН ДЎСТЛИКНИНГ ЁРКИН УФҚЛАРИ

Тошкентда 22-23 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Банкларо бирлашмаси кенгашининг Ўзбекистон раислигида навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



ШХТ БАНКЛАРАРО БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Унда ШХТ Бош котиби Р.Алимов, Қозғоғистон тараққиёт банки, Қирғизистон Республикасининг "РСК Банк", Хитой Давлат тараққиёт банки, Россиянинг Тараққиёт ва ташқи иқтисодий фаолият банки (Внешэкономбанк) давлат корпорацияси, Тожикистон Республикасининг "Амонатбанк" давлат жамғарма банки, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, шерик банклар сифатида "Беларусбанк" жамғарма банки, Покистоннинг "Хабиб Банк Лимитед" банки ва Мўғулистон тараққиёт банки раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда ШХТ Банкларо бирлашмаси кенгашига раислик қилувчи банк раҳбарининг ушбу босқичда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раислигида амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳамда кенгашининг бошқа аъзолари ва ШХТ Банкларо бирлашмасининг шерик банклари вакилларининг жорий ҳамда истиқболдаги фаолият масалалари бўйича маърузалари тингланди. Томонлар инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш борасида, ШХТ мақолида ва Осиё минтақасида фаолият кўрсатаётган халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, ШХТ Банкларо бирлашмасини ўрта мuddатли истиқболда янада ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

ШХТ Банкларо бирлашмаси кенгаши йиғилишида томонлар сўнгги йилларда ШХТда кузатувчи давлатлар ва мулкот бўйича шериклар молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан қониқиб ҳосил қилди. Йиғилишда Мўғулистон тараққиёт банкига ШХТ Банкларо бирлашмасининг шерик-банк мақомини бериш тўғрисидаги қарор имзоланди.

ЎЗА

ШХТ ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ БОШҚАРУВИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 23 июнь кунини Ўзбекистон раислигида ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқарувининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ШХТ Бош котиби Р.Алимов, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши Ижрочи котиби С.Канавский, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши миллий қисми раислари - Ўзбекистон Республикасидан А.Шайхов, Қозғоғистон Республикасидан Р.Баталов, Қирғизистон Республикасидан М.Шаршоев, Хитой Халқ Республикасидан Х.Мэйцин, Россия Федерациясидан С.Катирин ва Тожикистон Республикасидан С.Шариф иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ишбилармонлар кенгаши 2006 йилнинг 14 июнида таъсис этилган бўлиб, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ишбилармон ва молиявий доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, кўч томонлама лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида ШХТга аъзо давлатларнинг бизнес ҳамжамиятлари вакилларини бирлаштирган подавлат тузилмадир.

ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви мажлисида Ўзбекистон ўз раислиги даврида ШХТга аъзо давлатлар манфаатларига мос келадиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш принципларга қатъий риоя қилгани, халқаро майдонда ташкилот нуфузини муттасил ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттиргани таъкидланди.

Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, ШХТ мамлакатлари бозорларига харидорлар саноат маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кенгайтириш, савдо муносабатларини рағбатлантириш бўйича қулай шароитлар яратиш ва бу борада бошқа тадбирларни амалга ошириш тарафдоридир. Шунингдек, ШХТ давлатлари ўртасида инвестициявий ҳамкорлик тубдан ривожлантирилишига, муҳим тармоқларда ўзаро манфаатли лойиҳа ва дастурлар амалга оширилишига ишонди.

Иштирокчилар сўнгги йилларда Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бошқаришнинг илгор тизимлари кенг жорий этилаётгани, шунингдек, маҳаллий корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда жаҳон бўйлаб етказиб бериш жараёнига маҳаллий компанияларни жалб этишга қаратилган чоралар кўрилатганини алоҳида таъкидлади.

Мажлисида ШХТ Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини ривожлантириш истиқболлари, хусусан, минтақа давлатларининг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин истиқболда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари муҳокама этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, транспорт ва логистика, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, кўرғазма-ярмаркалар фаолияти, кишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа турли соҳалардаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг янада ривожланишига қўмаклашиш учун қўшма тадбирлар ташкил этиш, бизнес вакилларининг ШХТ давлатларида ўтказилган йирик халқаро форумлар, кўрғазма ва ярмаркаларда мунтазам иштирок этишини таъминлаш муҳимлиги кайд этилди.

ЎЗА

Таъкидлаш лозим, Хитой Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Фақат 2015 йилнинг ўзида Хитой билан Ўзбекистоннинг ўзаро савдо ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этганлиги ҳам фикримизни таъкидлаб турибди. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этди. Юртимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Умуман олганда, кейинги йиллар мобайнида Хитой юртимизнинг энг йирик инвесторига айланди. "Хитой - Марказий Осиё" газ қувурининг тўрт тармоғи ҳам юртимиз ҳудудидан ўтгани бежиз эмас. Айна пайтда Ўзбекистон - Хитой ҳамкорлик қўлами тобора кенгайиб, сифати ортиб бормоқда.

Ўзбекистон билан Хитой Буюк Ипак йўли давридан бери ўзаро муносабатларга киришиб келётган икки қадимий тарих ва маданиятга эга давлатлардир. Мана шу жиҳат ҳам халқларимизнинг бир-бирига янада яқинлашишига хизмат қилмоқда. Натижада иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик сиёсати, иқтисодиёт, савдо, сано-

ат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби муҳим соҳаларни камраб олмақда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташрифи, шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеадир. Ташриф Ватанимиз ҳамда улкан

иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўриллардан бирини эгаллаб келётган ХХР ўртасида муносабатлар жадал ривожланишининг олтин асри бошланганлигини ёрқин далилдир. Жануб Си Цзиньпин алоҳида таъкидлаб ўтганидек, бундай изчил ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат халқига фақат самара келтиради.

Дўст мамлакат сифатида Хитой бугунги Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳнамолигида эришаётган муваффақиятларни катта хайрихоҳлик билан кузатиб турибди. Республикаимиздаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигининг юксак суръатларда ўсиши хитойликларни ҳам мамнун этади, албатта. ХХР Раиси жаноб Си Цзиньпин жаҳонда давом этаётган молиявий инқирозга қарамадан, Ўзбекистон кейинги йиллар мобайнида 8 фоизлик иқтисодий ўсишга эришаётганини алоҳида муваффақият сифатида таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг кизикarli, самимий жавоб нутқи ҳам биз депутатларда жуда

катта таассурот қолдирди. Юртбошимиз Хитой сиёсий ислохотлар ва очкилик йилларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига кўтарилганлигини қайд этиб ўтди, бундай таъриба эса ҳамини биз учун ибрат бўлиб қолади. Президент Хитойда ҳаётнинг барча соҳалари ислохот қилинишига алоҳида тўхталаркан, жаноб Си Цзиньпинни замонавий хитой жамиятининг муҳим муаммоларини халқ этишдек оғир вазифаларни зиммасига олган "ислохотчи", деб атади.

Назаримда, мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйи арафасида биз, депутатлар учун ХХР Раисидек хурматли меҳмон билан учрашиш катта шараф. Шубҳасиз, бу учрашув мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Мазлумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП давлат суверенитети ва мустақиллиги мустаҳкамлашини, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги роли ва ўрни янада қучайишини, ривожланган демократик давлатлар сафига қўшилишини, Ўзбекистон атрофида

ҳавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик алоқалари ўрнатилган ҳудуд ташкил этилишини қўллаб-қувватлайди. Сайловолди дастуримизнинг мазкур йўналишидан келиб чиққан ҳолда биз Ўзбекистон - Хитой ҳамкорлиги янада тараққий этиши тарафдоримиз.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон "Адолат" СДП Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари билан гуманитар ва ижтимоий соҳаларда ўзаро муносабатларни кенгайтириш, ШХТнинг савдо ва инвестиция фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасидаги ҳаракатлари, минтақа мамлакатлари иқтисодини барқарор ривожлантириш ва мазкур мамлакатларда истиқомат қилаётган халқларнинг фаровонлигини янада ошириш мақсадидаги транспорт-коммуникация, инфратузилмавий ва ижтимоий лойиҳалар тарафдори эканлигини таъкидлаб ўтамыз.

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси аъзоси

Самимий ва синалган ҳамкорлик — порлоқ истиқбол омили

Шу кунларда жонажон Ватанимиз тарихида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалик юз бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан жаҳоннинг улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлати — Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Мазкур давлат ташрифи халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари бир-бириники билан ўхшаш икки давлат ўртасидаги олий даражадаги сиёсий мулоқотларни давом эттириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳозирги жараёнларини таҳлил этиш, истиқболли лойиҳалар ҳусусида музокаралар ўтказилганлиги билан аҳамиятландир.

Олий мартабали меҳмоннинг давлат ташрифи доирасида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, парламент аъзолари олдида нутқ сўзладилар.

Си Цзиньпин ўз нутқида Ўзбекистон Хитойнинг Марказий Осиёдаги энг яқин дўсти, йирик қудратли давлат эканлигини эътироф этиб, халқаро майдондаги ахвол шиддат билан ўзгариб бораётган бир пайтда жаҳон иқтисодиётининг қайта тикланиши жараёни суст кечаётганлиги қарамай Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон тарихан қиска даврда жаҳоннинг жадал суръатлар билан ривожла-

ниб бораётган мамлакатлари сафида турганлигига, истиқлол йилларида амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободлантириш ишларига юқори баҳо бергани кишида фахр-ифтихор уйғотади. Шунингдек, олий мартабали меҳмон ўз нутқида асрлар давомида қарор топган ўзаро муносабатлар ва дўстлик аънавалари бугунги кунда ҳам Хитой билан Ўзбекистон ўртасида яқин қўшничилик ва дўстликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётгани, Хитой Ўзбекистон билан муносабатларга доимо стратегик ва истиқбол нуктаи назаридан қарашни қайд этди.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг маърузаси ҳам йилланларда катта қизиқиш уйғотди. Президентимиз ўз маърузасида Хитой Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги энг яқин ҳамкори эканлигини алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистон - Хитой алоқалари истиқболларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Юртбошимиз Си Цзиньпин бошчилигида

тараққий этган, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўрини эгаллаб келётган Хитой давлати Ўзбекистоннинг ўтган йиллар давомида давр синовларидан ўтган, халқаро майдондаги ҳавф-хатарларга бардош берган яқин дўсти эканлигига алоҳида ургу берди.

Дарҳақиқат, бир вақтлар иқтисодиёти бир томонлама ривожланган мамлакатимизнинг оғир, қийинчилик кунларида айнан Хитой ҳаётий муҳим манфаатларига дахлдор масалаларда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлади. Умуман айтганда, Ўзбекистон - Хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотик қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилди, сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби барча соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мутасил ўсиб бормоқда.

2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этди. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу эса,

аввало, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш жараёнида хорижий сармоя киритилган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улarga ҳуқуқимиз томонидан қулай инвестицион муҳит, зарурий шароитлар яратиб берилишининг натижасидир.

Ангрен - Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Камчик турлининг ишга туширилиши ҳам Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаен ижроси ҳисобланади. Қуни кеча Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, муҳандислари, мутахассислари ҳамкорлигида қуриб битказилган ушбу ишоотнинг расмий очилиш маросими ҳам бунёдкор халқимизнинг яна бир орузси ушалишига сабаб бўлди.

Кези келганда таъкидлаш лозим, Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик муносабатларидаги самимият Ўзбекистон - Хитой ўртасидаги серкирра, стратегик алоқалар янада юқори босқичга кўтарилишида Ангрен - Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши сингари улкан ва юзат кен қўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Мақсуд ҚУРБОНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Қадимдан мустаҳкам ришталар

"Чиннинг географик ўрни фаройиб: бир томонда адоғи йўқ сокин саҳро ястаниб ётади, ундан нари кўм-кўк водийлар бошланади. Водийлар эса виқорли тоғлар, сарҳад билмас уммонларга туташади. Чинликларнинг феъл-атворида табиатга уйғунлик бор: улар суҳбатда мулойим, савдода қатъиятли, дўстона муносабатларда ишончлидирлар. Шунинг учун ажодларимиз ўртасидаги ҳамкорликлар қадим-қадимдан давом этиб келмоқда".



XV асрнинг 30-йиллари охирида Мирзо Улуғбекнинг топиригига мувофиқ Хитойга элчилик муносабати билан борган улуг аллома Али Қушчи ўз хотираларида ана шундай деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам, улуг аллома ёзганидек, Марказий Осиё, Маворуннаҳр билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликлар илди элс ўтмишга, миллоддан олдинги III-II асрларга бориб боғланади. Савдо-сотик бора-бора бошланган алоқалар де-ийнчалик Буюк Ипак йўли доирасида давом этиб, дўстлик, маданий ҳамкорликка айлан-

ган. Айниқса, Хитой императорлари ўша даврларда Фарғона (Давань), Тошкент (Шош), Самарқанд ҳукмдорлари билан яқин алоқада бўлишган. Тарихчиларнинг ёзишича, VII-VIII асрларда шошлик санъаткорлар Хитойда ҳукмдорлар саройларида ўтказиладиган концерт мусобақаларида қатнашишган. Ёхуд хитойликлар Даваннинг учар отларига харидор бўлишган. Умуман, тарихда мамлакатларимиз ўртасидаги бундай ҳамкорликлар кўп бўлган.

Ана шу қадимдан бошланган ҳамкорликлар бугунги кунда ҳам янгича шакл ва маз-

мунда давом этмоқда. Хар икки мамлакат яхши қўшничилик, ҳамкорлик, дўстлик муносабатларини ўрнатган. Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин бу ҳамкорликларга "Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик қудратли давлат. Хитой Ўзбекистон билан муносабатларга доимо стратегик ва истиқбол нуктаи назаридан қаради... 24 йил давомида давр синовларидан ўтган, халқаро майдондаги ҳавф-хатарларга бардош берган Хитой - Ўзбекистон муносабатларида барқарор тараққиёт суръатлари изчил давом этмоқда", дея

юксак баҳо берди. Кейинги йилларда Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага ҳамда 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастурига кўра ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланди. Натижада 2015 йилда бу икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Айни пайтда, Хитой Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шериги сифатида ҳам фаолият

юртмоқда. Мамлакатимизда ҳамкорликда барпо этилаётган қўллаб-саноат корхоналари бунинг ёрқин исботидир. Хусусан, биз фаолият юритаётган Қўнғирот сода заводи ҳам Хитойнинг "СІТС" компанияси билан ҳамкорликда бунёд қилинган эди. Унда ҳозирги пайтда 100 миң тоннадан зиёд кальцинацияланган сода ишлаб чиқариламоқда. Бу маҳсулотга халқаро миқёсда талаб ошиб бораётганлиги учун заводнинг иккинчи босқинини барпо этиш ва маҳсулот ҳажминини 200 миң тоннадан ошириш белгиланди. Заводада иккинчи босқич қурилиш ишлари ҳам Хитойнинг "СІТС" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Заводада хитойликлар билан биргаликда иш бошлаганимизда бизлар оддий ҳамкорлар эдик. Эндилкида бу ҳамкорлик чинакам дўстликка айланди. Бу дўстлик ришталари келгусида яна мустаҳкам бўлишига ишонамиз.

Қаллибек САФАРОВ,
Қўнғирот сода заводи цех устаси

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАРАННУМИ


Давоми. Бошланиши 1-бетда

Йирилганлар олий мартабали меҳмонларни гулдурас қарсақлар билан кутиб оладилар.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей саммити концерт билан бошланганида чуқур рамзий маъно мужассам. Зеро, маданият ва санъат халқларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини англаши учун ўзига хос воситадир, бинобарин, муסיқа чегара ва масофа билмайди. Шу боис “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида дўстлик ва ҳамкорлик муҳити ҳукм сурди.

Олий мартабали меҳмонлар эътиборига ўзбек халқининг миллий ашула ва рақслари, шунингдек, жаҳон опера санъатининг энг сара асарларидан намуналар ҳавола этилди.

Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари оқшишлар билан кутиб олинди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросидаги “Ул ким жонон” ашуласи тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирди. “Ўзбекистон” ва “Наврўз” рақс ансамбллари ижросидаги



“Рақслар гулдастаси” хореографик композицияси ўзбек рақс мактабининг бутун кўрку жозибасини намойён этди.

“Шарқ тароналари” халқаро муסיқа фестивали ғолиби Нодира Пирматова “Эй дилбери жононим” ашуласини ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган катта ашула услубида ижро этди.

Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри П.Чайковскийнинг “Евгений Онегин” операсидан лавҳа ижро этди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хонандалари Ш.Гунонинг “Ромео ва Жульетта” операсидан Жульетта вальсини куйлади.

Ўзбекистон халқ артисти Нор-мўмин Султонов ва “Нихол” му-

кофоти лауреати Маъсума Болтабоева “Менинг жонахон Хитойим”, Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова “Қадрдонларим” ашуларини хитой тилида ижро этди. Қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ халқларининг ашула ва рақслари ҳам ижро этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов “Менга бергил куйларни”, халқаро танловлар лауреати Милена Матмусаева “Севги садоси” деб номланган машҳур рус ашуларини куйлади. Концерт дастури ШХТга аъзо давлатларнинг бой маданияти билан янада яқиндан танишиш имкониятини берди.

Ижро этилган ҳар бир куй-қўшиқда инсонга меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром юксак пардаларда тараннум этилди. Концерт ниҳоятда “Жон Ўзбекистон” композицияси янгради.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



ЎЗБЕКИСТОН —

инсон ҳуқуқлари қадр топган юрт

“КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК!”

Башарият учун энг муқаддас тушунчалардан бири, шубҳасиз, Мустиқилликдир. Ушбу тушунча макон ва замон танламайдиган, миллати, irqи, дини ёки ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, инсоният учун энг олий қадриятлардан саналади. Мустиқиллик эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг бош омилidir.

1991 йилнинг 31 августи халқимиз, мамлакатимиз тарихида энг улғун, энг азиз ва муаззам кун сифатида мангута муҳрланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам ўша кун Ўзбекистон давлат мустиқиллиги эълон қилинди.

Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди, миллатнинг гурури, ор-номуни, шаъни тикланди. Ҳар бир фуқаро ўз орзу-умидларига мос равишда ҳаёт кечирди, овоз ва обод яшаш бахтига муяссар бўлди.

Инсонийлик ва эзулик тамойилларини ўзига сиғдириган, туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра илгор миллий ва умуминсоний қадриятларини мужассамлаштирган Конституцияда фуқароларнинг жамият ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этиши, мустиқил фикри эга бўлиши, уни эмин-эркин ифодалаш, ўзида Ватан раънақи ва миллий тараккиётга дахлдорлик ҳиссини туйиш, тadbиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиш, ҳусусий мулк эгаси бўлиш каби кўндан-кўп ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, мустиқиллик — бу, энг аввало, ҳуқуқ демакдир. Шундай экан, бугунги кунда мустиқил тараққиётимизнинг асосий мақсади ва моҳияти “Инсон манфаати — ҳар нарсадан улғун”, “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият”, “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун”, “Ҳамма нарса — инсон учун, унинг келажаги учун”, “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” каби тамойилларда бўй кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз давлат мустиқиллигини кўлга киритиши арафасида ва истиқлол йилларида изчиллик билан илгари сурилган ҳамда ҳаётимизга чуқур татбиқ этиб келинаётган бундай эзгу даъватлар ва ҳаётбахш ғоялар замирида, албатта, инсон омилига юксак эътибор энг олий мезон сифатида

ўз ифодасини топган.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустиқилликка эришиш остонасида” китобидан жой олган маъруза ва нутқларда мустиқилликка эришиш арафасидаги оғир ва суронли йилларда ҳам инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикамизда истиқболда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт, деган талаб кун тартибига кўйилган ва бугун бу ҳаётимизда намойён бўлиб келмоқда.

Бошқача айтганда, Президентимиз ўша кезлардаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний тақомили — давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, ўтган чорак аср давомида мамлакатимизнинг миллий демократик давлат турши, иқтисодий ёнги асосда ташкил этиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларни, шахар ва кишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини жаҳон тан олди. Дунё бизни, биз дунёни танидик, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимиз, сўзимиз бор, биз билан дунё хисоблашмоқда, бизни эшитмоқдалар, тажрибаларимизни ўрганмоқдалар. Бундай юксак марраларга, албатта, мустиқиллик туфайли эришдик.

Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, бейхитёр биз кеча ким эдигу ким бўлдик, деган ҳақиқат савол туғилди. Истиқлолнинг истиқлол сари юзланганини, айниқса, жамиятимиз, давлатимиз ва халқимиз ҳаётида юз берган буюк ўзгаришларни эса кечаги кун ёки эски тизим билан қиёслаш натижасида яққол кўриш мумкин.

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобига қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланганлигини, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва иж-

тимоий ахволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келганини катта авлод вакиллари жуда яхши билишди.

Бугун юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун истиқлол йилларида қўлга киритилган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратиш ўринлидир. Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаятиги, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаятиги, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намойён бўлаётган.

Бунинг исботини эса айни кунда энг муҳим масала — юртимизда яшайётган ҳар бир инсон ва фуқаро, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланиши ҳамда юксалиши бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Қолаверса, ўша даврда инсон — давлатни ҳарқатта келтирувчи “мурват” деб қаралган бўлса, истиқлол туфайли инсон — энг олий ҳилкат сифатида эътироф этилди. Унинг ҳуқуқ-эркинликлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида белгилаб, амалда унга риоя этила бошланди. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат жазоловчи эмас, балки инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячисига айланди. Айблов билан химоя тенглаштирилди. Айбсизлик презумпцияси амалга татбиқ этилди. Яъни, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсининг айби суд орқали исботланмагунча, у айбдор саналмаслиги қонуни йўли билан белгилаб қўйилди. Судларнинг иختисослашуви амалга оширилди. Қамокка олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури қабул қилинди.

2010 йилда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берди. Жамиятда қонуни устуворлиги ва унга ҳеч

истисносиз барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қатъий риоя этиши принципини қарор топтириш; аҳолининг фуқаролик ташаббусларини ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш; шунингдек, шахс ҳуқуқлари қафолатларини янада мустиқамлаш ва уни муҳофаза қилиш — мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзаги ва биринчи навбатдаги вазифаси этиб белгиланди.

Шу маънода истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари тизимининг шаклланиши жараёнида юзага келиб, 21 йилдан ошқ вақт мобайнида мамлакатимиз сиёсий майдонда фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастурида ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият эканлиги белгиланган. Ўтган йилларда партия ўзининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик корпуси ҳамда жойлардаги ҳудудий ташкилотлари орқали ушбу эзгу ғояни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни кунларда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустиқиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, партия томонидан ҳам қўтлуг айёмни муносиб нишонлашга кизгин ҳозирлик кўриломоқда. Ушбу ҳужжат асосида кун кеча Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўша йиғилишида Ватанимиз мустиқиллигининг йигирма беш йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш юзасидан партия томонидан амалга ошириладиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тadbирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича чора-тadbирлар режаси тасдиқланди.

Шубҳасиз, тинчликни кўз қорачиғида асраш, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, уни одамларга, айниқса, ёшларга тушунтириш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши керак. Шундагина биз мустиқилликни мустиқамлашга, келажак авлодга озод ва обод Ватан қолдириш ишига ҳисса қўшган бўламиз.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

➤ СИЁСИЙ ҲУҚУВ

Ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, дастур ва режаларда белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш тизимда раҳбар кадрлар ҳамда партия депутатларининг салоҳияти, профессионал маҳоратини мунтазам равишда ошириб боришни тақозо этади.

Фаолиятни такомиллаштириш кадрлар салоҳиятини оширишга боғлиқ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгашида партиянинг туман, шахар ташкилотлари раҳбарлари ҳамда депутатлар иштирокидаги сиёсий ўқув машғулотли ана шу мақсадда ўтказилди. Вилоят партия кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тadbирда етакчиларнинг сиёсий билимларини янада мустиқамлаш, миллий қонуinchилигимиздаги сўнгги янгиликлар мазмун-моҳияти ва уларни амалда қўллаш механизмлари, партиявий ишларда ўзаро илгор тажрибаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тadbир давомида қўйи ташкилотлар фаолият самардорлигини янада ошириш, раҳбар кадрларнинг ташкилий-партиявий ва мафқуравий иш салоҳиятларини юқори даражага кўтариш, ҳисобот даврида юзага келадиган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга доир комплекс режалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Семинарда вилоят партия кенгаши раиси Маъруфжон Холдоров партия тизимида ишлаётган кадрларнинг фаолияти беvosита уларнинг ғоявий-мафқуравий таъсир кўрсата олиш қобилияти, кенг дунёқарашга эгалиги, нотиклиги, сиёсий савиясига боғлиқ эканини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, семинарда партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини тарғиб этишда маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан умумий фойдаланиш, чораклик ва ойлик ҳисоботлар топширилишида туман партия ташкилотларида юзага келаятган камчиликларни бартараф этиш каби масалалар бўйича малакали мутахассислар амалий машғулотлар олиб бордилар.

Машғулотлардан сўнг иштирокчилар ўқув давомида ўзлаштирган билим ва қўникмалари бўйича ўзаро савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар тарзида фикрлашиб олишди.

Комила ИСРОИЛОВА,
Фарғона вилоят кенгаши
матбуот котиби

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ: САМАРАЛИ ВА ТЕЖАМКОР

“Жиззах” махсус индустриал зонасида “Махсус индустриал зоналар фаолиятига бир назар” мавзусида учрашув ўтказилди.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан “Муқобил энергия манбалари — инновацион тараққиёт учун” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тadbирда партия фаоллари, махсус индустриал зонадаги “Тоштенпекстель” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида табиий бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, экологик тоза энергия манбаларини жорий этиш борасида амалга оширилаятган ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий-метeрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишда партиянинг ўрни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан амалга оширилаятган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш мавзусидаги тadbирни ўтказишга ушбу қорхонани бежиз танламадик, — дейди Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Нигора Жўраева. — “Жиззах” махсус индустриал зонасида замонавий қорхоналарни барпо этишда энергия тежамкор технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз ушбу долзарб масалага худудда ишлаётган фаолларимиз диққатини ўз қорхонаси манфаатидан эмас, умумдавлат, глобал тараққиёт қўламиндан келиб чиққан ҳолда, жалб этишга ҳаракат қилдик.

Тadbир иштирокчиларига мавзуга оид маълумотлар берилди, қўлланмалар тарқатилди. Келгусида ушбу қорхона билан партия ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ИСТИҚЛОЛ — БЕБАҲО НЕЪМАТ,

тинчликнинг қадри бекиёс

Давоми. Бошланғичи I-бетда

Этироф этилганидек, мамлакатимизда мустақиллик байрами халқимиз томонидан энг азиз ва энг улуғ байрам сифатида кенг нишонланиши она дёғримиздаги тинчлик, осуда ҳаёт ва барқарорликнинг ёрқин намунасидир. Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан тарихан кеска даврда Ўзбекистон иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб, куч-қудрати ва салоҳияти ҳар томонлама юксалиб бораётган мамлакатга айлангани республикамизда амалга оширилаётган оқилона ислохотлар натижасидир.

Тадбирда маъруза қилган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримов Умаров истиқлол байрами халқимиз, миллатимиз учун ўзгача маъно, ўзгача аҳамият касб этишини, чуқки мустақиллик, истиқлол сўзларининг замирида узоқ давом этган мустақил тузум, зўравонликдан халос бўлиш, ўз тақдирини, келажакимизни ўзимиз мустақил белгилаш имконияти, беназир кадрларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш, уларни асраб-авайлаш, халқимиз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилиш каби юксак тушунчалар мужассам эканлигини таъкидлаб ўтди.

Партия раҳбари Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан бу қутлуғ айёмни янада юқори савияда, кўтаринки руҳда нишонлашга тадорик кўрилишида фаол иштирок этиш барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ҳамда фаолларнинг энг муҳим вазифаси эканлигини қайд этди.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар давомида, энг аввало, халқимиз миллий мустақиллигини қўлга киритиш йўлида касил ўтган машаққатли ва, ўз навбатида, шарафли йўлнинг аҳамиятини, ўша даврдаги ғоят мураккаб ва оғир вазиятда танланган оқилона сиёсат, унинг самараларини, энг муҳими, мустақиллик туғайли қайта тикланган ижтимоий адолат тамойилларини, инсон шаъни, ҳуқуқ ва манфаатлари кадр тобора ортиши аниқ далолатлар ҳаётини воқелиқлар асосида тарбия қилишда партия ҳодимига ҳос маҳорат, ишчанлик руҳида фаол кат-



нашиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Алишер ШОДМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Мустақилликнинг ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, аввало, инсон онгидаги ўзгаришлардан бошланиши таъкидлаш керак. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган оламшумул ютуқлар одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгарганлиги, уларнинг жамият ҳаётига, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, айниқса, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти тобора ўсиб бораётгани билан ҳамбарчас бевқиқдир. Ҳар бир сазй-ҳаракатимизда халқ килувчи аҳамият касб этаётган бу жараён давом этмоқда, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бормоқда. Юрт равнаки, ҳудудларини ривожлантириш, соҳалар тараккиётига қаратилган дастур ва режалар инсон бахту саодати, фаровонликка, бутунимиз ва эртанги кунга хизмат қилишини ҳар бир юртдошимиз чуқур хис қилмоқда, ўзи гувоҳ бўлмоқда. Тинч-осойишта юртимизда халқимиз амалга ошираётган туб ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари туғайли шаҳару кийлоқларимиз тобора чирой очиб, дунё бўйлаб мамлакатимизнинг нуфузи ортиб бораётгани ҳар биримизга гуру-

да, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самараларини аниқ рақамларда, фуқароларнинг ўз ҳудудларидаги янгиланишлар мисолида тушунироғимиз зарур. Президентимизнинг қарориди келтирилганидек, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва кийлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг қайфияти, бутунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш биз, халқ вакилларининг бирламчи вазифамиз бўлмоғи лозим.

Шу билан бирга, партия матбуоти ва бошқа марказий, маҳаллий нашрларда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳақида "Қим зиғу ким бўлди?" гоёси асосида солиштирма-таҳлилий мақолалари билан чиқишни ўзимиз учун алоҳида вазифа сифатида белгилаб олганмиз.

Райхона ўРМОНОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий ашаратидаги бўлим мудири:
— Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақил-

лигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз ахлига кўтаринки руҳ бағишлаб, қалбларимизни қутлуғ айём шухуҳига тўлдирмоқда.

Истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марралар замирида мустақиллик атағимиз бебаҳо неъматнинг кадр-қиммати намён. Ҳозиргача давом этаётган жаҳон молиявий инкирозига қарамай мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиб бормоқда. Дунё жамоатчилиги эътироф этаётган тараккиётнинг "ўзбек модели", танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тўла таъкидлади.

Кучли ижтимоий сиёсат тамойили асосида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб боришга қаратилган эътибор натижасида, масалан, 2015 йилда халқимизнинг реал даромадлари 9,6 фоизга ортиб, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 21,9 фоизга кўпайгани қайд этилди.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ҳар томони кўркем манзара касб этган, янги бино ва ишхоналар кўрк бағишлаган обод ва равон йўлларда юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар катнаётганини кўриб кўзини қувнайди. Иқтисодиёт таянчига айланган, юқори технологиялар асосида ишлаётган йирик корхоналарда замонавий билимларни пухта эгаллаган маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётгани яна бир ютуғимиз ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг қарориди белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, партияимизнинг ушбу тарихий санани муносиб кутиб олишга қаратилган режасига мувофиқ, жойларда олиб борилаётган тарбият тadbирларида истиқлолнинг тарихий мазмунини, ҳар бир ҳудуд тараккиётидаги аҳамиятини ана шундай ҳаётини мисоллар орқали акс эттириш партия фаолларининг диққат марказида бўлмоқда.

Жумладан, байрам муносабати билан партия томонидан олий ва ўртамаҳсус таълим муассасалари талабалари ўртасида "Ватан келажиги

ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини, Ватанин мадҳ этишга йўналтирилган ишлар танловини ўтказиш ва уни тўла сифатида нашр эттириш мақсад қилинган.

Партиянинг "Аёллар қаноти" томонидан жойларда ўтказилган "Истиқлол аёллари: кеча ва бутун" мавзусида давра суҳбатларида ҳам истиқлол йилларида хотин-қизлар доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, онла, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини очиб бериш, онла ва фарзанд тарбиясидан ортиб, давлат ва жамоат ишларида, тadbиркорлик соҳасида ютуқларга эришаётган партиядош аёларимиз, депутатларимизнинг ҳаёт тажрибасини ва муна сифатида кўрсатиши асосий вазифаларимиздан саналади.

Қолаверса, болалар оромгоҳларида "Келажак бизни, марра бизни" номли маданий-маърифий тadbирлар ўтказиш орқали ёшлар онгида ахборот хуружларига, турли бузғунчи гояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, уларни тинчликнинг қадрига етиш, мамлакатимизда келажак авлод учун яратилган шароитлардан умимли фойдаланишга ундаш, бунда ҳам санъатда, спорт, илм-фан ва бошқа соҳаларда ўз иқтидорларини намён қилиб, каттадан-катта ютуқларга эришаётган ёшларни ўрнак қилиб кўрсатиши мақсад қилганмиз. Умуман, қутлуғ айём муносабати билан ташкил этиладиган барча тadbирларида таъсирчан услуб ва воситалардан фойдаланмоғимиз, ватандошларимизга мустақиллик атағимиз улуғ неъматининг асл моҳиятини чуқур сингдиримоғимиз зарур.

Кўшма йиғилиш сўнггида Президентимиз қарори асосида истиқлол байрамининг партия ташкилотлари томонидан ушқоқлик билан юқори даражада ўтказишга тайёргарлик қўриш юзасидан партия марказий ва ҳудудий ташкилотлари олдидаги вазифалар белгилаб олинди.

Илёс САҲАТОВ,
"Adolat" мухбири

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ҒОЯЛАРИНИ ЁРИТГАН ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

➤ 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Сиёсий партия — бу муштарак қарашлар, манфаатлар ва мақсадларга эга фуқароларнинг бирлашиши асосида тузилган кўнгилли бирлашма саналади. Шунингдек, сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи жамоат ташкилотларидир.

Шундай экан, сиёсий партиялар фаолиятида партия аъзолари, хайрихоҳлари, электоратининг ғоя, мафкура ва пуктан назарини кенг жамоатчилик ҳамда давлат ҳокимияти органлари эътиборига ҳавола этиш ҳамда илгари сурилаётган ғоялар тарбият-ташвиқотини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу бонс ўз фаолияти давомида сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам кенг жамоатчилик ахборот тарқатиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилувчи тизим — оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган интилоқда. Хусусан, партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2015 йилда Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан партия фаолиятини кенг тарбия қилувчи энг яхши журналистик материал учун "Куч — адолатда!" республика кўрик-танловини эълон қилинган эди.

Яқинда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан пойтахтдаги Миллий матбуот марказида партиянинг "Медиа олам: тенденциялар ва истиқболлар" лойиҳаси доирасида "Жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВнинг

ўрни ва роли" мавзусида ўтказилган давра суҳбати сўнггида мазкур кўрик-танлов ғолибларини эъдалик совғалари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган мазкур тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, ҳудудий кенгашлар матбуот котиблари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Тadbирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров таъкид қилган барча журналистларни касб байрами билан қутлар экан, партиянинг ғоя ва мақсадлари, амалга оширган ишларини кенг жамоатчиликка намойиш этишда оммавий ахборот воситалари асосий ўрин эгаллашини, партия фаолиятини ҳолис ва ҳаққоний ёритиш, унга таҳлилий назар ташлаш, барча бўғинлардаги энг сўнгги янгиланган аҳолини бохабар этишда журналистлар меҳнати таҳсинга лойик эканлигини эътироф этиб ўтди. Шунингдек, нотик мазкур давра суҳбатидан кўзланган мақсад давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик



назоратини ҳамда ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, соҳанинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш юзасидан мутахассислар ва соҳа вакиллари билан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш, уларнинг таъсир-таъсирагини тинглаш, улардан партиянинг Амалий ҳаракатлар дастури ва фракцияси иш режасида белгиланган чора-тadbирларни амалиётга таъкид этишда фойдаланишга қаратилганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, оммавий ахборот воситалари доимо жамият тараккиётининг кўзгуси,

кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савияси шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб келган. Шу бонс, мамлакатимизда демократик ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида уларнинг ролини кучайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Агар 1991 йилда мамлакатимизда 395 та оммавий ахборот воситаси фаолият олиб борган бўлса, мустақиллик йилларида яратилган кенг шароитлар туғайли оммавий ахборот воситаларимизнинг сони ҳозирда 1400 дан зиёдга ташкил этмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов. — Бугун республикамизда ОАВ тўққизта тилда нашр этилади ва эфирга узатилади. Республикаимизда, айниқса, нодавлат ОАВ тез ривожланимоқда. Телеканал, радиоканаллардан ташқари веб-сайтлар ҳам ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очкилиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илгор ахборот-ком-

муникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарор 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Кези келганда таъкидлаш лозим, Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз Сайловолди дастурида оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тобора фаол иштирокчисига айланиб бораётганини қайд этиб, ОАВнинг мустақиллиги ва эркинлигини янада мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очки ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда ОАВ ролини кучайтириш борасида аниқ нуктан назарини ифода этган. Хусусан, жойларда партия фаоллари томонидан "Медиа олам: тенденциялар ва истиқболлар" лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбатлари, учрашувлар ва тadbирларда медиа соҳасининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини янгилаш, уни технологик модернизация қилиш, журналистик касби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан таъкид ва таъсиялар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, турли

кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан эълон қилинган "Куч — адолатда!" республика кўрик-танловини ташкилий комиссияси республикамизнинг барча ҳудудларида партия фаолиятини фаол ёритиб келган 50 нафарга яқин ижодкорлардан жами 400 дан зиёд материаллар келиб тушган. "Интернет сайтларида ёритилган энг яхши журналистик материал учун", "Матбуотда эълон қилинган энг яхши журналистик материал учун", "Телевидениеда ёритилган энг яхши журналистик материал учун" сингари номинациялар асосида 1-, 2-, 3-ўринлар ҳамда рағбатлангивчи ўринлар ғолиблари партиянинг эъдалик совғалари ва маҳсус дипломига эга бўлди.

— Кейинги йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз Сайловолди



дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни турли хил лойиҳалар асосида амалга оширишда, партия ғоялари тарбияти ҳамда қонунларни таъминлаштиришда нисбатан фойдаланишнинг гувоҳи бўлаётгани, бу каби чора-тadbирлар ҳақида эшиттиришлар тайёрлаётгани. — деди "Радио йўналиши бўйича" 1-ўрин соҳибаси, "Маҳалла" радиоканали "Хабарлар" информацион таҳлилий дастурлар муҳарририяти катта муҳаррири Олесьа Хамроева. — Танловда партиянинг фаолияти ҳақидаги 70 дан ортиқ хабарлар, репортажлар билан иштирок этдим. Биз, журналистларга кўрсатилаётган эътибор ўз устивидида ишлашга, тайёрлайдиган медиа махсулотларимизнинг савиясини оширишга ундайди.

Шунингдек, давра суҳбатида партиянинг ҳудудий кенгашлари матбуот хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида барча ҳудудий кенгашлар матбуот котибларига замонавий фотоаппаратлар топширилди.

Саодат СОДИҚОВА,
"Adolat" мухбири

Муқобил энергия тарғиботидан

жамоатчилик назоратигача

➤ БПТ НИМАЛАРГА ҚОДИР!

Ургут туманининг "Коратепа" қишлоғида "Адолат" СДПнинг 180 нафар аъзосини бирлаштирган йирик бошланғич ташкилоти ўз ҳуқуқ-ваколатлари доирасида самарали фаолият юритиб, омма ўртасидаги сиёсий мавқени тобора мустақкамламоқда.

Башарти, БПТ сиёсий мавқега қайси йўллар билан эришяпти ва бу ўз натижасини бераётгани, деб сўраладиган бўлса, лўнда қилиб шундай жавоб бериш мумкин: "Коратепа"даги бошланғич партия ташкилотлари раиси Зоҳида Элмуродова маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган кейинги сайловда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати этиб сайланди, сайловчилар кўпчилик овоз билан уни маҳаллий ҳокимият органида ўз номларидан иш юритишга лойиқ кўриди. Бунгача партия дастуридаги вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириб электротар назарига тушган ташаббускор аёл бугун депутат сифатида долзарб ижтимоий масалаларга ечим топомқда.

Даставвал шунинг таъкидлаш лозимки, Ургутнинг тоғли худудида жойлашган "Коратепа" қишлоғида уч ярим минг нафар аҳоли истикомат қилади. Бир қарашда марказдан йирик, ижтимоий инфратузилмаси ҳали тўлиқ шаклланимаган, бинобарин коммунал, йўлсозлик, маиший хизмат соҳаларида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш қўлайлаётган мазкур худудда бошланғич партия ташкилоти одамларда янги яшашга иштиёқ уйғота олди. Қўйлаб ижтимоий масалаларни биргалашиб ҳал этишга ундади. Бу қишлоқ хонадонларида муқобил энергия манбалари қувват олиб қорлаётган чирокларни, маҳалла ичкарисиде қурилиб, кекса-ю ёшнинг дилтортар манзилга айланган спорт майдони, киз-

лар хунар ўрганишлари учун ташкил этилган ўқув курсларими, оилавий тадбиркорлик ҳисобидан иш юритаётган асарларчилик хўжалиғими — ҳаммасида партия фаолларининг қўли, иштироки бор.

Натижалар ҳақида гапирадиган бўлсак, "Коратепа"да бугун юздан ортиқ хонадон оилавий тадбиркорлик билан эркин шуғулланмоқда. БПТ кўмағида уларнинг ҳар бирига меҳнат дафтarchаси очилган. Солиқ идорасида, пенсия жамғармасида рўйхатга олинган. Демак, оилавий тадбиркорлик меҳнати конун муҳофазасига олиниб, унинг доирасида зарур ижтимоий кафолатлар яратилмоқда. Илгари ўқитувчи бўлиб ишлаб ҳозирда нафақага чиққан Умаркул ака Қажҳоров партия ёрдамида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, фаровон турмуш кечираётганидан мамнун. "Коратепа"лик Ёқуб Нурматов, Аҳмадул Баширов сингари оилавий тадбиркорлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

— Биз одамларни бозор шаронтида рақобатга мос тадбиркорлик билан шуғулланишга кўмаклашяпмиз, — дейди БПТ аъзоси Умида Ражабова. — Уларга, аввало, томорка имкониятларини, ҳуқуқат томонидан айна шу иш учун берилган партия имтиёзларини тўшунтираямиз. Натижа шу бўлдики, аҳоли ўз эҳтиёжидан ортиб қолган кўпгина сифатли маҳсулотларни бозорда сотиб, яхшигина даромад топадиган бўлди.

Дарвоқе, БПТнинг фаолият



доираси кенг. У нафақат тадбиркорлик, балки таълим ва соғлиқни сақлаш, спортни ривожлантириш масалаларида ҳам ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Худуддаги битта ўрта умумтаълим мактаби ва касб-хунар коллежида ўқитиш ва даволат ишлари, биттирувчиларни касбга йўналтириш партия аъзолари томонидан жамоатчилик назорати сифатида мунтазам таҳлил этиб борилади. Ёки тоғли худудда жойлашган 500 дан ортиқ хонадонни суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳам депутат Зоҳида Элмуродова раислигидаги БПТ томонидан назорат қилиб борилади.

— Маҳаллада аёллар футбол жамоасини тузганимизга анча вақт бўлди, — дейди партиядошимиз Зоҳида Элмуродова. — Ютуғимиз шу бўлдики, вилоят ҳокими кубоғи учун ўтказилган мусобақада 2-урини кўлга киритдик. Бу натижадан сўнг хотин-қизларнинг спортга бўлган иштиёқлари янада кучайди. Ҳозир улар футбол, теннис, гимнастика,

волейбол билан ҳам шуғулланиб, ўз соғлиқларини мустақкамлаб олмақдалар.

Бу обод қишлоқда нафақат ёшлар, балки кексалар ҳам партия даввати билан спортни асосий машғулотларидан бирига айлантириб олаётганликларига нима дейсиз?! Хусусан, 64 ёшли Назира Сатторов ва Ойзода Элмуродова югуриш ва гимнастика машғулоти билан шуғулланаётганидан буён дардлардан фориғ, ҳаётга телик қараётганлиги учун "Адолатчи киз"ларидан миннатдор. Ахир Зоҳида-да, уларни қишлоқ врачлик пунктига муолажа олишга борганида спорт майдончасига етаклаб келган дилсўз қизлари.

Эзгулик йўлидан юрган ях-

шилиғу эзгулик топади, дейишди. Бошланғич партия ташкилоти аъзолари Саодат Нормуродова, Нилуфар Нурматова, Юлдуз Лаханова сингари фаолларимиз ўз шахсий фазилатлари, савий-харақатлари билан қишлоқдошларни эътиборини қозонишганки, одамлар ўз дарду фикрини улар билан маслаҳатлашишга, саволларига тўғри жавоб топишга ошқанди. "Коратепа"даги 50 нафар хотин-қиз БПТнинг айна шундай талабчан аъзолари кўмағида "Агромир" қўшма корхонасига меҳнат шартномаси асосида ишга жойлаштирилганлиги электротар билан амалий ҳамкорлик самарасидир. Бундай амалий ишлар рўйхатини яна ва яна давом эттириш мумкин.

Хулоса шуки, БПТ ўзини ислохотлар жараёнида ташаббускор, электротар олдида масъул, деб билмоқда. Демак, эртанги натижалар янада самомкли бўлади. Одамлар амалиётчи партияни қўллаб-қувватлайверишади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

➤ ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ...

Мамазойир Хўжамбердиев халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган фаол депутатлардан бири. Марҳаматлик сайловчилар унга ишонч билдириб адашмаган эканмиз, дейишади.

Янги иш ўринлари яратилди

Шу ўринда депутат ташаббуси билан ечимини топан масалалардан бири хусусида тўхталмоқчимиз. Марҳамат тумани адирликлариде кейинги йилларда сув етишмаслиғи сабабли айрим ерлардан самарали фойдаланилмаётган эди. М.Хўжамбердиев туман фаоллари билан биргалиқда айна шу масалага эътибор қаратди. Мавжуд сув етказиб берувчи иншоотларнинг давлат маблағи хисобидан таъмирланиши ва янги дастохларнинг келтирилиши юзага келган муаммонинг ечилишига олиб келмоқда.

2016 йилда "Охунбобоев" насос станциясиде амалга оширилган таъмирлаш ишлари ва 2 километр масофада трубулар тортилиши натижасида 50 гектардан ортиқ ерга қайта ҳаёт бағишланди.

— Ички имкониятлардан келиб чиқиб, "Марҳамат Носир" сувдан фойдаланувчилар уюшмасига тегишли фойдаланилмай турган трубулар таъмирланди, — дейди депутат М.Хўжамбердиев. — Сув йўллари ва қуйиш нуқтаси янгидан барпо этилди. Айна пайтда фермер хўжалиқларининг раҳбарлари яратилган имкониятлардан хурсанд бўлишмоқда.

Эндиликда адирликларда 60 нафардан ортиқ фуқаро янги боғлар ташкил этиш, полиз ва сабзавот экинлари етиштириш билан машғул. Хулоса ўринда 30 нафар коллеж битирувчилари сафга қўшилиб, иш билан банд бўлгани янада қувонарли эканини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Комилликка етакловчи куч

Кўшқўпир туманининг "Ших" қишлоғида Ўзбекистон "Адолат" СДП туман ташкилоти ташаббуси билан "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда партия фаоллари, хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ЕИХ туман бўлими, "Ёшлик" маҳалласи аҳли, ўқитувчи ва ўқувчилар, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда "Адолат" СДП Кўшқўпир туман ташкилоти "Ёш адолатчилар қаноти", етакчиси Шоҳруҳ Раҳимбоев ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими асосида мутоақассиси Сайёра Матқўрибаева юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар тўғрисида сўз юритдилар. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ташкилланган таъкидлаш, айниқса, ёшларга оид мавзулардаги тадбир ва давра суҳбатлари уларнинг онг-шуурини янада юксалтириш, соғлом руҳият, юксак маънавият ва қишлоқчиларнинг таъкидлашди.

Ёшларнинг иланувчанлиқ, интилувчанлик ва талабчанлик, билимга чанқоқлик қобилиятлари партия фаоллари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Иштирокчилар келажак авлодини юксак маънавият, Ватанга садоқатли, соғлом руҳиятли қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифа эканилигини таъкидлашди.

— Биз, ёшлар қишлоқчилар интилиб яшашимиз керак, — дейди Кўшқўпир туманидаги "Адолат қишлоқлари" клуби аъзоси Моҳиюр Исмоилова. — Давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор ҳам шунинг тасдиғи. Ватанимизнинг энг қадимий билан севиб асрашимиз ва унга муносиб ворислар бўлиб камол топишимиз зарур. Зеро, биз — буюк юрт келажакини яратувчиларимиз!

Анжуман давомида ёш ижодкорларнинг калами маънуб бўлган шеърлар тингланди. Иштирокчиларнинг қувончига қувонч қўшуви куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга партия ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топирилди.

Дилфуза ҲАЙИТБОЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Кўшқўпир туман кенгаши етакчи мутоақассиси

Маҳалла тинчлигида юрт тинчлиги мужассам

Ўзбекистон "Адолат" СДП Ангиобод туман кенгаши ва тумандаги "Пучғой" маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилган "Биз вайронкор ғояларга қаршимиз!" мавзусидаги тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими вакиллари, маҳалла аҳли ва ёшлар иштирок этишди.

Учрашузда сўзга чиққанлар дунёнинг айрим мамлакатларида юз бераётган хунрезликлар ва ислом дини никоби остида фаолият олиб бораётган террористик ташкилотларнинг гаразали ниётлари, маънавий таҳидлар таъсиридан ёшларни асраш, маҳалларда оғоқлик ва хушроликни ошвириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— "Адолат" СДП туман ташкилоти билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Маҳалламизда партия фаоллари билан биргалиқда 10 дан зиёд тарғибот-ташвиқот тадбирлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. "Биз — буюк юрт фарзандларимиз", "Авлодларга оғоз ва обод Ватан қолдирайлик", "Эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари олдин олиш", "Биз — соғлом турмуш тарғиботимиз" каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир, — дейди "Пучғой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Қорабоев. — Фақат тарғибот тадбирлари билан кифояланиб қолмай, партия фаоллари, депутатлар ва жамоатчилик вакиллари билан ҳар бир хонадонга кириб, оилаларда суҳбатлар олиб боришни режалаштирганмиз.

Тадбир давомида мавзуга доир фильм намойиш қилиниб, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига масъуллигини ошвириш, ёшларнинг бундай вақтларини маъмулий ташкил қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Маҳаллар билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиғи партиянинг аҳоли орасидаги нуфузининг янада ошвиши, хайрихоҳлари сонининг орғиши, айниқса, маҳалларда тинчлик ва оқошталлик ҳукм суришига хизмат қилиши табиийдир. Зеро, маҳалла тинч экан, юртимиз тинч.

Обиджон ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Когон туман кенгаши раиси ўринбосари

Мавлонберди АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Ангиобод туман кенгаши раиси

Миллий манфаатлар йўлида

ёшлар бор куч ва билимини сафарбар этмоқда

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, эртамиз эгаларини ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Бундай савий-харақатлар туфайли мустақиллик йилларида ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари, нуфузли спорт мусобақалари, турли йирик мусика ва санъат тавловлари, фестиваллари, кўргазмаларида дунёда ҳеч кимдан кам эмасликларини намойён қилиб келмоқдалар.

Ёш сафдошларимиз партиянинг аъзоларининг кўпчилик қисмини ташкил этади, улар орасида ташаббускор, иқтидорли талабалар, фан ва спорт соҳасида қўлга киритган ютуқлари билан юртимиз номини дунё бўйлаб улдуғлаётган юксак истеъдодли йигит-қизлар бор.

Маълумки, давлат дастурлари, конун ҳужжатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида партия тизимида бир қатор лойиҳалар амалиётга йўналтирилган. Жумладан, партиянинг "Ватан келажакни ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида Бухоро вилоят партия ташкилоти томонидан "Қулай ахборот муҳитида ёшлар онгиде ижтимоий-сиёсий жараёнлар", вилоятдаги тижорат банклари билан ҳамкорликда "Оилавий тадбиркорлик аҳоли фаровонлиғига хизмат қилмоқда", "Тадбиркорлик — тараққиётнинг муҳим таянчи", "Биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлайлик" мавзуларида, "Интернет маданияти: жаҳон ахборот тармоғидан самарали фойдаланиш", "Ижтимоий тармоқлардаги жиноятчиликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқий маданият", "Ёшлар ва ахборот хавфсизлиги: мобил телефондан фойдаланиш одобини" каби мавзуларда ёшлар ўртасида тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Бухоро вилоят партия кенгаши раиси Асрор Турсунов, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Дилбар Ҳамдамова томонидан мазкур лойиҳа доирасида Когон ва Пешкў туманлари ҳамда Бухоро шаҳар ёшлари билан учрашувлар ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Бизнинг асосий мақсадимиз Ўзбекистоннинг буюк келажакига бор билим

спортнинг бир неча турлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари, илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича республика ва халқаро фан олимпиадалари ҳамда санъат турлари бўйича халқаро фестиваллар юлиблари ва бошқа қўллаб-қувватлаш эришган ёшлар борки, улар ўз билим ва қобилиятлари билан мамлакатимиз тараққиётига, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилиш боробарида партия дастурий ғояларини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш ва унинг танилувчанлигини ошвиришга ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ёшлар масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг му-

барқамол инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларнинг барча жаҳаллариде ислохотларда кенг иштирокларни таъминлаш, уларда жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашиш туйғусини шакллантиришда фаол қатнашмоқда.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимиз келажакни соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида деб хисоблайди ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўзининг муҳим вазифаларидан бири сифатида билади, — деб таъкидлади халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Дилбар Ҳамдамова. — Шу мақсадда партиянинг "Ёш адолатчилар" қаноти ёшлар билан фаол иш олиб бормоқда, уларни жамиятнинг бу ижтимоий қатламга нисбатан давлат ва партия сиёсатини амалга оширишга жалб этмоқда, партия мафқурасига ҳамфикр бўлган 30 ёшгача сиёсий фаол ёшларни ўз сафига бирлаштирмоқда.

"Ёш адолатчилар" қаноти ёшларга жамиятнинг муҳим қатлами ва келажакни сифатида қараб, уларнинг маълумотлиғи, мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эгаллиги, шунингдек, харақатчанлиғи ва интилувчанлиғи, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги кенг имкониятларини инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради. Бундан қўзланган асосий мақсад, мамлакатда янги инновацион иқтисодиёт юзага келатган, таълим тизими тараккий топаётган, бандлик даражаси ўсаётган, соғлом турмуш тарзининг кенг имкониятлари яратилаётган шароитда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мафқураси ва дастурий ғояларига садоқатли ёш йигит-қизларни ягона эзгу мақсад йўлида сафарбар этишдан иборат.

Учрашув доирасида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муурожаат этишди. Кўтаринки кайфиятда ташкил этилган бу каби мулоқотлар, албатта, ўсиб келаятган ёш авлодини ватаншарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



ва малакаси, ижодий куч-қудратини бағишлаш орқали она Ватанимизнинг миллий манфаатларини йўлида фидокорона хизмат қиладиган ёшларни тарбиялашдан иборат, — дейди Асрор Турсунов. — Бугунги кунда вилоятимизда партиянинг 189 та бошланғич ташкилотига 5654 нафар аъзо бирлашган бўлиб, уларнинг 1800 нафардан орғиғини, яъни 32 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Партия аъзолари сафига ўзининг фаолиғи, интеллектуал салоҳияти, ижодий қобилияти билан катта муваффақиятларга эришиб келаятган ёшлар талайгина. Жумладан, "Ёш адолатчилар" қаноти сафарида давлат стипендиатлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари,

хим устувор йўналишларидан бири саналади. Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари яратилди, уларнинг салоҳияти, истеъдодини раёбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мустақкам механизми шакллантирилди. Конституциямиз, соҳага оид йиғирмадан ортиқ қонуналар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада мустақкам ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ёш адолатчилар" қаноти ёшларни сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатдан

СУД ҚАРОРИНИ ҚАЙД ЭТИШДА

халқаро ҳуқуқни қўллаш асослари

➤ “АДОЛАТ” ШАРҲИ

Суд-ҳуқуқ соҳасида энг шарафли ва айни пайтда масъулиятли, одил судлов йўли билан адолат ва қонун устуворлигини таъминловчи, фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлишдек халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, оддий қилиб айтганда, адолат тарозиси олдида ҳақнинг ҳақ, ноҳақнинг ноҳақ эканлиги ҳақида давлат номидан ҳолис якуний сўзни айтувчи машаққатли касблардан бири судьяликдир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “давлатнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир”.

Шундай экан, судьялар учун халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти, ўрни ва ўзига хос жиҳатлари, судлар фаолиятига оид халқаро ҳуқуқ нормалари нималарда акс этади? Суд қарорларини ёзишда миллий қонунчилик билан бирга халқаро ҳуқуқ нормаларига таяниш, суд қарорларини ёзишда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан асослаш мумкинлиги сингари саволлар тувилиши табиий.


Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари устуворлиги тан олинган, унга қўра, халқаро ҳуқуқ нормалари қонунларининг асоси ва бошқача-босқич уйғунлаштирилмоқда. Муайян қонунни қабул қилишдан олдин айни пайтда унинг халқаро шартномаларга мувофиқлиги ҳам ўрганилади.

“Судлар тўғрисида”ги қонунда шундай норма бор: “Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан

қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган”. Ёки “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги Пленум қарорига биноан мустақил ва ҳолис судни талаб қилиш хар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустахкамланганлиги алоҳида қайд этилган.

Бундан ташқари, Судьяларнинг обод-ахлоқ қондаларида ҳам судьялар жамиятдаги одоб ва ҳулқ-атворнинг умумий тамойиллари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи умумэтироф этилган тамойилларига амал қилиши белгиланган.

Жумладан, “Судьяларнинг ҳулқ-атворида оид” Бангалор принципларида судья инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар мустахкамланган халқаро қонунчиликдан, ҳусусан, халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардаги ўзгаришлардан доимо баҳардор бўлиши кераклиги, “Ҳуқуқнинг устуворлиги ва барқарор ривожланиши қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Йоханнесбург принципларида эса миллий, минтақавий ёки универсал даражада одил судловни амалга оширувчилар халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро мослигини, имплементациясини ҳамда ижро этилишини таъминлашда хал қилувчи ўринда туриши, судьялар миллий ҳуқуқ доира-



Ўз фаолиятида Киев битими, Минск ёки Нью-Йорк конвенцияси доирасидаги низоларни қўриб чиқишда бевосита мазкур халқаро шартномаларга ҳам таяниши лозим.

Яна бир жиҳат, миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ билан муносабатининг ўзига хос хусусияти шундаки, халқаро шартномалар нормалари миллий қонунчилик орқали ижро этилади. Яъни, бирор-бир халқаро шартномага қўшилдики, шу халқаро ҳужжат талабларини бажариш мақсадида алоҳида янги қонун қабул қилиниши ёки тегишли қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Мисол учун, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияга қўшилганимиз билан “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияси ҳамда “Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси олдини олиш, унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги Протоколнинг ратификация қилиш натижасида “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ёки “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунларни қабул қилишимизнинг асоси ва сабаби юқоридаги халқаро шартномаларга қўшилганимиз экан, унда нима учун одам савдосига оид жиноят ишларини қўришда суд қарорларида маз-

кур конвенциялар нормаларини қўрсатиб ўтмаслигимиз керак? Мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган ёки тан олинган бу каби инсон ҳуқуқлари оид халқаро ҳужжатлар нафақат давлатларнинг, балки ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳам халқаро шартномалари ҳисобланади.

Айтишимиз мумкин, конвенция ёки халқаро шартнома ижросини таъминлаш юзасидан яхлит бир қонун қабул қилинган-ку, халқаро конвенциянинг асосий қондалари миллий қонунчиликда тўлиқ акс этган-ку, унда суд қарорига бунини алоҳида қўрсатишнинг нима зарурати бор? Менимча, бунинг қуйидаги муҳим омил ва сабаблари бор:

биринчидан, суд Конституция, қонунлар ва халқаро шартномалар нормаларини қўллаш орқали одил судлов йўли билан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи асосий ва ягона органдир;

иккинчидан, суд қарорига у ёки бу халқаро ҳуқуқ нормаси қўрсатилиши халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга. Судлар фаолиятида бундай амалиётнинг шаклланиши Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги обрў-этиборини халқаро миқёсда янада мустахкамлайди;

учинчидан, судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаси қўлланилиши судьянинг масалага халқаро ҳуқуқ нуқтаи назардан ҳам ёндашганлигини қўрсатиб беради.

Энг муҳими, суд қарори жамиятда адолат ва қонунийликни таъминлаш билан бирга, айни пайтда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдек вазифани ҳам бажаради.

Суд қарорини ёзган судья томонидан халқаро ҳуқуқнинг қўлланилиши фуқароларнинг халқаро ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хусан ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиги,
юридик фанлар номзоди

Кичик бизнес субъектлари диққатига!

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ” МЧЖ ИК ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: ЛОТ – 1

ЛОТ-1.4. «Фарғона вилояти Кува тумани Намуна ҚФЙ Мингчинор мавзеси ҳудудидаги наъмунавий уй-жойлар учун автомобиль йўли қурилиши».

Бошланғич нархи: 222 052 518 сўм ҚҚС билан; 185 043 765 сўм ҚҚСсиз.

Топшириш муддати: 01.10.2016 йил. Қурилиш-монтаж ишлари: Республика йўл жамғарма маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари иштирок этади.

Манзил: Фарғона шаҳар Сайилгоҳ кўчаси-13, тел.(0 595) 401-40-78. 244-49-26 факс

Танлов савдосида фақат Давлат реестрда киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг каммида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблагларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси кўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчаси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90 (92), 98-276-25-48 Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчаси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш қилиниши ва вақтига қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин (кун ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) Фарғона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй манзилда ўтказилади.

Оёқ остида... реклама

➤ МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Мантиқан қараганда, ҳеч ким айнан асфальтда акс эттирилган одам оёғи изларидан қадамлаб юриб, дўкон, дорихона ёки хизмат кўрсатиш шохбачасига кириб бормайди. Шундоққина пешлавахсига ёзиб қўйилган бўлса, яна ерда матн битиб, белги чизиб, ишора қилишга қандай зарурат борлигини тушуниб бўлмайди.

Нимаям дердик, киши диққат-этиборини тортиш, шу орқали кўплаб харидорларни жалб этиш мақсадида хусусий тадбиркорлик субъектларининг уйдабурон вакиллари (савдо дўкони, маший хизмат кўрсатиш ёки умумий овқатланиш шохбачаси ва ҳоказо) қандай-қанақа ноънавий усулларни ўйлаб топмайди, дейсиз. Улардан баъзи бирлари изланиб, вақтини йўқотмасдан, ўйлаб, бошини оғиритмасдан бу борада синондан ўтган хориж маркетинг намунасини кўчириб олиб, амалга таъбиқ этаётганини табиий ҳол, деб билишади.


Умуман олганда, четдан кириб келадиган нафақат маркетинг кўринишлари, балки урфлар, русумлар ҳам қанчалар жозибали бўлиб туюлмасин, биринчи навбатда, улар, аввало, миллий кадрларимизга, маънавиятимизга, ёшлар тарбиясига нечоғлик таъсир этишига эътибор қаратсак, фойдадан холи бўлмайди, албатта. Бугунги кунда реклама деганлари биз билган анъанавий оммавий ахборот ва тарбиёт воситалари — телевидение, радио, газета-журнал, қўл телефони, интернет тармони, кўчаларга ўрнатилган катта-кичик баннерлар, чорраҳалардаги рангли мониторлардан тошиб, йўлақларга ҳам чиқа бошлаганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

...Кинининг қаҳратон кунда қайноққина бир финжон қахва, ёзининг жазирама саратонидан эса бежирим идишда муздеккина минерал сув харид қилишга ундаш — ўришни таклиф. Қайноқ қахва инсон танасига иссиқлик олиб кирса, муздай сув чанқоқни босади. Ажаблანарли томони шундаки, бундай реклама эълонлари-

дан воқиф бўлиш учун хориждаги истеъмолчилар қахвахона ёки дўконга кириши ҳам, ён-атрофига кўз югуртириши ҳам шарт эмас. Уларни яшаётган шаҳар кўчаларидан кета туриб, оёқлари остида... буге таратиб турган қахва, музлаган минерал сув тасвири пайдо бўлади. Истаса, тўғривоғи, қорни очикса, бирон егулик, айтайлик, хот-дог қаерда сотилишини ҳам асфальтга чизилган расмидан билиб олишар балки... Балки аввал суратини босиб ўтиб, сўнгра уни тановул қилишар... Бу кўриниш асфальтдаги реклама, деб номланиб, тобора оммаланиш, махсулотлар (хизматлар) тарбиётининг алоҳида муҳим тармонига айланиб улгургани ҳам бор гапдир...

Бизда эса азал-азалдан ейиладиган таом ҳам, ичиладиган сув ҳам кадрланади. Гарчи ердаги сурати бўлса-да, уларни оёқ билан босиб ўтиш... йўқ, бунга оилада олган тарбиямиз асло йўл қўймайди. Қани, у ёни нима бўларкан, деб жим кузатиб тураверсак ҳам бўлмайди. Чунки, асфальтдаги рекламада бугун қахва, эртага минерал сув акс этса, индамасак, орандан маълум вақт ўтиб, улар ёнида егулик, отабоболаримиз ушовини кўзга суртган азиз неъмат — нон тасвири пайдо бўлмаслигига ким қафолат беради?

Тор доирадаги шахсий манфаатини қўлаб реклама эълонларини туширишдан олдин ажодларимиз йўл-йўлақларга қандай муносабатда бўлганини, мисол учун, йўловчилар ўтишга ҳалақит бермасин, деб йўлда ётган шох-шабба, тошларини бир четга олиб қўйганини ва бу савобли иш эканини ёд этсак, балки шаштимиздан кайтармиз. Ахир йўл-йўлақлар кўпчи-



лиқнинг мулк саналади, шу боис уларни бузишга ҳам, чикинди ташлаб ифлослантиришга ҳам, қолаверса, реклама эълонларини ўзбошимчилик билан жойлаштиришга ҳам ҳеч қачининг ҳаққи йўқ.

Таассуфки, ёмғирдан сўнг чикқан кўзиқориндек пайдо бўла бошлаган бунақа хусусий эълонлар тегишли назорат ташкилотлари эътиборидан четда қолиб келяпти, шекилли, аста-секин шаҳримиз кўчаларида болалаб, кўпайиб борамоқда. Мисол учун, “Минор” метро бекатидан Ташкент ирригация ва мелориация институти томонга юрсангиз, шундоққина йўлакда пайдо бўлиб қолган ажабтовур манзарога кўзингиз тушади. Асфальтда тўрт бурчак квадратга олиниб, нича оқ бўёқда инглиз тилида қуйидаги сўзлар келтирилган: “MONROE NIGHT KARAOKE CLUB”. Микрофон ушлаб қўшиқ айтётган кинизинг тасвири ва таклиф этиладиган хизматга мурожаат қилиш учун телефон рақами ҳам бор бу эълонда. Телефон рақами ҳам йўлга-ку, лекин келишганина кизининг чироғли юзига бемалол оёқ қўйиб ўтаётган йўловчиларини кўриб, тўғриси, ёқамини ушлаб қўя қолик... Шайхлардаги гавжум кўчада бир муддат тўхтаб, йўлакка туширилган реклама матнини қозғога ёзиб олиш но-

ўнғай. Чунки, бошқа йўловчиларнинг ҳаракатиға ҳалақит беради. Бунинг таклиф эгалари билмайдим, билди, албатта. Майли, “KARAOKE”ни қўйтурайлик, ахир ҳамма ҳам қўшиқ айтавермайди. У ҳолда айнан шу йўлакдан яна тўрт-беш қадим юришга тўғри келади. Негар дейсизми? Бу так асфальтда “Elegance. ШТОРПИ, ЖАЛЮЗИ. ФОРМА ОПЛАТЫ ЛЮБАЯ” эълонига дуч келамиз. Биринчисидан фарқли ўларок, иккинчисидан сариқ бўёк ишлатилган. Албатта, мурожаат учун телефон рақами ҳам ёзиб қўйибди. Чилонзор савдо марказига етмасдан қатта чорраха ёнида жойлашган тўрт-бешта дорихона қаршидаги йўлакда эса бир неча жойга кетмакет “За здоровьем сюда” сўзлари худди муҳрдек босилган, улар ичидан бўёкка ботирилган яланғоқ одам излари чикиб, тўғри дорихоналарга кириб кетаверади. Бунақа асфальтда акс этган реклама кўринишидаги эълонларини асосан савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш объектлари тизим жойлашган, бир сўз билан айтаганда, йўловчи серкатнов кўчаларда учратиш мумкин. Негаки... Шу ўринда, қундалиқ ҳаётимизда алоҳида ўрин тутаётган реклама хусусида тўхталиб ўтсак: муайян тадбиркорлик фаолияти (ишлаб чикариши,

савдо-сотик ёки хизмат тури) ривожланиши учун бир қатор омиллар, жумладан, рекламанинг роли муҳим бўлиб, у соғувчи ёки ишлаб чикарувчининг истеъмолчилар билан боғловчи восита вазифасини бажаради. Реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, махсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида хар қандай шаклда ва хар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсул ахборот ҳисобланади.

Мутахасссларнинг фикрича, тадбиркорлар томонидан рекламага сарфланган маблаг бир неча ўн баробар бўлиб қайтар экан. Чунки, кўпчилик истеъмолчиларда рекламани кўриб ва эшитилган сўнггина ушбу махсулот (хизмат)га кизиккиш уйғонаркан. Бу ҳолат дунёдаги барча истеъмолчиларда кузатилади. Экспертлар томонидан ўтказилган сўровнома натижасига кўра, АКШ фуқароси хар кунини мингга яқин реклама эълонларини қабул қилиб, улардан доимий равишда фойдаланади. Францияда эса аҳолининг 83 фоизи реклама роликлари орқали тарғиб этиладиган махсулотларини сотиб олар экан.

Қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, истеъмолчиларга зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблар саналади.

Дунё миқёсида асфальтдаги рекламага нисбатан ахтиётқорона ёндашув шаклланигани айрим давлатлар қонунийлигида маълум чекловлар белгиланганидан ҳам билиб олиш мумкин. Айниқса, йирик мегаполисларда шаҳар маъмурияти томонидан кўчаларни тоза-озода сақлаш, улар кўркига доғ туширмаслик мақсадида оёқ остидаги реклама матилари ва тасвирларига қарши кескин чоралар қўллаилади. Масалан, Россия Федерациясида рекламанинг бу тури қонун билан ман этилган. Қонунини бузган

шахслар қатта миқдорда жаримага тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонунини мамлакатимизда рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. Қонуннинг асосий вазифаларидан бири — рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэтироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф-муҳит ҳолатига таъвозуздан ҳимояланиш чораларини таъминлашдир. Ушбу қонуннинг 20-моддасига биноан, ташки рекламага алоҳида махсул конструкцияларда, тахталявахчаларда, экранларда, киноларда, ишонотларда, йўл чеккаларида, кўча ёриткичларнинг таъиқлари ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама киряди. Ташки рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади. Муайян шахс эгалаб турган кинонинг ташки томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахсининг махсулотини ҳақида шу кино витринидаги ахборот (пешлахва) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди. Лекин бу пешлавахани исталган жойга, ҳатто, оёқ босиладиган йўлакка ёзиб қўйиш мумкинлигини аниқламайди.

Бугунги кунда реклама ахбороти нафақат товар ва хизматларни бозорда сотиш учун қулай восита, балки мамлакат иқтисодиётининг истисноликда ҳамда жамоатчилик фикрининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этаётган экан, реклама эълонлари, ёзув ва турли ахборотларни оёқ остидаги асфальтда жойлаштириш қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида жиддий мулоҳаза юритсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, оёқ остидаги реклама, бу — асфальтда расм чизиб дегани эмас.

Суюндик МАМИРОВ,
«Adolat» мухбири

"БИР ЎАКАКИ, ТУПРОҚИДА ӨАТИН ГУДАЙИДИ..."

➤ ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Ха, ҳақиқатан ҳам, она юрт — олтин бешик. Ватан оstonадан бошланади. Оstonадан ҳатлаб ўтар эканмиз, беихтиёр Ватан ҳидини ҳис қиламиз. Энди ниш уриб кўкариб чиққан кўкат ҳам, асрлар оша ўз тафтида қиздирган қуёш ҳам, бир кафт тупроқ ҳам, бу — Ватан, бу — киндик қонимиз тўқилган қадамжолар. У ҳар бир инсон учун муқаддасдир. Ватан инсон учун мисли Каъба, у доимо Ватанга синади ва унга сажда қилади.

Ватан! Бу сўзини севмайдиган, меҳр билан тилга олмайди инсон топиламаса керак! Ватан — ҳар бир инсон тунгилиб ўсган, киндик қони тўқилган табарруқ гўша! Она замин — кўзларида ҳайрат акс этган болақайнинг илк муаллими. Ватан — келинчакнинг ораулари қанотида парвоз этиб қирган эшиги.

Она замин! Бу сўз қон-қонимизга, вужудимизга сингиб кетган, бир умрга юрагимизда муҳрланган қолган, энг муқаддас, энг унутилмас каломдир! Ватан севгисидан юрак ёруғ, имон ва эътиқод уйғок бўлади.

Бугун ўз-ўзини англаб, мустақиллигимиз кун сайин мустаҳкамланиб бораётган шароитда она юртининг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч бўлмас керак. Ватан оstonадан бошланади, деб бежиз айтилмайди. Оstonада бизни ҳаминша Она кутиб олади. Шунинг учун ҳам унинг ардоқлаб она Ватан деб атаймиз. Ватан ҳақидаги тераф фикрлар тасаввуф шеър

риятининг атоқли вакили Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида "Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ", дея талқин этилади.

Бинобарин, тупроқ — инсон туғилиб ўсган ўлка, макон, тупроқ — Ватан. Тупроқ — неча юз йиллардан буён не-не улуг фарзандларини ардоқлаб келаётган Замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб она тупроқ деймиз. Демак, барча эзгуликлар ўз она тупроғини, ўз она ўлкасини қадрлашдан бошланади. Она тупроғини, она ўлкасини севган кишини эл қадрлайди, дунё танийди. Ўз тарихини она юртдан — она тупроқдан қидирган инсонгина ҳақиқий инсон бўла олади. Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севмаган ва унинг тупроғини ардоқламаган бирон-бир улуг зотни учратмаймиз. Шунинг учун ҳам Ватанин севмоқ иймондандир, деймиз. Зотан, она юрт фарзандлари учун Ватанин севиш, унинг тарихини ўрганиш, дилга жо этиш муқаддас бурчдир.

Ўзбекистонни мўъжизалар дери, жаннатмонанд юрт, десак арзийди. Бу гўзал маскан осонликча бунёд этилмади. У тинимсиз ҳаракат ва фидокорона меҳнат, халқ даҳоси билан бунёд этилган. Ватанпарварлик фидокор халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган хислатлардан бири саналади. Бунинг Юртбошимизнинг куйидаги сўзлари билан ҳам изоҳлаш мумкин: "Ўзбекининг феъл-атвори барчага аён: у ерни, табиатини севади. Дўшисидан сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир". Дарҳақиқат, ўзбек халқидай фидокор халқ дунёда топиламаса керак. Эртадан кечгача ерга меҳрини бериб, хориб-чарчаган бободехконнинг пешонасидан чиққан терда ҳам ўзбекининг фидокорлиги акс этади:

Бир ўлкаки,
тупроғида олтин гуллайди.
Мана шундай юртда яшашнинг ўзи олий бахт-саодат ҳисобланади. Аммо бугунги тинч ва осойишта куллarga осонликча эришмадик. Бу йўлда қанча йўқотишлар бўлди. Шунда ҳам ўзбек халқининг қадди буқилмади. Тарих синовларидан дадил ўтиб, ўзининг ёруғ келажагига бўлган умиди сўнишига йўл қўймади. Ниҳоят, узоқ кутилган кун этиб келди. Ўзбекистон деб аталган мустақил давлат дунё харитасидан муноҳиса ўрин эгаллади. Оллоҳ назари тушган жаннатмонанд она заминимиз довуғи мустақиллик шарофати билан бутун дунёга таралмоқда. Мустақил ди-

еримиз ёшлари — Ватаниннинг бугуни ва эртаси. Ўзбекистоннинг келажаги ёруғ, эртаси порлоқ. Унинг олтин қалити ёшлар кўлида. Улар ана шу қалит ёрданида йўлларидидаги муаммоларни ечиб борадилар. Бугун ёшлар изланувчан, улар илм сирларини чуқур ўрганишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ана шу мақсадда дунёнинг энг тараксий этган гўшаларида таълим олиб келмоқдалар. Фан-техника, илм сирларини ўрганиб юртимизни обод қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бутун ақл-заковатимизни, салоҳиятимизни юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёти, халқаро майдондаги обрў-эътиборининг янада ошиши учун сафарбар эта олишимизга шубҳа йўқ. Бугун ҳар бир ватандошимизнинг Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, жонажон Ватаним учун, унинг келажаги, бахт-иқболи учун нима қилмоқдаман, мустақиллик ишига қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган туйғу билан яшашига эришсак ҳеч биримизнинг, ҳеч қандай армонимиз қолмас эди. Мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик бугунги кундаги ютуқларимизнинг асоси бўлмоқда. Демакки, озодлигимиз, хурлигимизни кўз қорачиндек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Зарнигор СОТИМОВА,
Наманган давлат университети
филология факультети талабаси



Хуқуқий маслаҳат

— Кўчмас мулк ижараси шартномасини нотариал идорада тасдиқлаш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим бўлади?

Б.Сулаймонов,
Тошкент шаҳри

— Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулк (уй, квартира, уйнинг ёки квартираниннг бир қисми ва бошқалар) ижарага берилишида ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда қуйидагилар талаб қилинади:

- кўчмас мулк объектининг кадастр йиғмажиди. Кадастр йиғмажиднинг нусхаси олиниб, асли қайтариб берилади;

- ижарага берилган уй, квартира, уйнинг ёки квартираниннг бир қисмида доимий прописка қилинган шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтарида кўчирма ҳамда доимий прописка қилинган шахсларнинг розилиги.

Агар:
кўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;

васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;

хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартираниннг бир қисми ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги;
кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги ҳам талаб этилади.

— Қарз шартномасини нотариал тартибда тасдиқлаш тартиблари қандай амалга оширилади?

Н.Мирзаева,
Чилонзор тумани

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732-моддасига мувофиқ, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўша хос аломатлари билан белгиланган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси тарафлардан бирининг талаби бўйича хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин.

Шартномада қарзнинг қайтарилиш муддати, жойи ва мажбурият бажарилиши таъминлаш усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунирилганлиги кўрсатилади.

Қарз шартномаси бўйича фоизларни белгилаш юзасидан шартлар тарафлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 734-моддасида кўрсатилган тартибда белгиланади.

Саволларга Тошкент шаҳар
Яккасарой тумани
1-сонли ДНИ нотариуси
Феруза ГАЗИЕВА жавоб берди.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!
Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, машаққатли ва шарафли ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги мuddатли омонат турларини таклиф этамиз:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»
Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«МУСТАҚИЛЛИК — 25»
Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни кулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармомиянинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

Qishloq Qurilish Bank

Сиз азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойиларини касб байрами 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан муборакбод этади!
Барчага узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва масъулиятли ишингизда улкан зафарлар тилаб, юртдошларимизга 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги янги жамғармали омонат турларини таклиф этади:

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» — омонатга маблағлар 6-12-24 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади ва ҳисобланган фоиздан 2 фоиз миқдоридан омонатчининг розилигига асосан ҳар ойда **«Соғлом авлод учун»** ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

«БАХТЛИ БОЛА» — омонатга маблағлар 1 йилдан 5 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугагач тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:
» солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
» эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
» миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93,
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёс Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия гуруҳини ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котиббинг — 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

Набатчи муҳаррир — Феруз Жўраев
Набатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рuxсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Offset усулида босилган. Бюджетга Г — 600. Аади — 9506. Босишга топшириш вақти — 2.00. Босишга топширилади — 2.30. Баҳоуси келишилган нархда.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100



ISSN 2093-5217
1 2 3 4 5